



Tadqiqot.uz

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**30 IYUN
№29**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 29-ҚЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
1-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
29-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-1**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
29-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-1**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 29-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 24 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. To'rayev Bahrom Qurbonmurodovich GENDER TENGLIGI MASALASI YANGI O'ZBEKISTONDA: ISLOHOTLAR SAMARASIDAGI IMKONIYATLAR	7
2. Бабаназаров Калбай Рустамович ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АТРОФ ТАБИЙ МУҲИТНИ ХАВФЛИ ТАЪСИР- ЛАРДАН ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	10
3. Баходир Холмонов, Мухиддин Махмудов ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДА “СУД НАЗОРАТИ” ВА “СУД КОНТРОЛИ” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ.	12
4. Мусабоев Жаҳонгир Собирович ИҚТИСОДИЙ НИЗОЛАРНИ СУДГАЧА ҲАЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИНГ МУҚОБИЛ УСУЛЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	15
5. Раҳимқулова Лола Улугмуродовна МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ КЎРИБ САМАРАЛИ ҲАЛ ЭТИШДА ЎЗARO МУЗОКАРАЛАР ОЛИБ БОРИШ БОСИҚЧИНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	17
6. Бердимуратова Зульфия Джолдасбаевна ФУҚАРОЛИК СУДИДА ВАКИЛЛИК ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.	20
7. Мансуров Мухиддин Мехриддинович ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВГА ОИД НИЗОЛАРНИ СУДДА КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ.	21



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

GENDER TENGLIGI MASALASI YANGI O'ZBEKISTONDA: ISLOHOTLAR SAMARASIDAGI IMKONIYATLAR

To'rayev Bahrom Qurbonmurodovich

Surxondaryo viloyati Sherobod tumani

10-sonli maktab tarix fani o'qituvchisi

Telefon: +998(99) 705 06 33

turaevbahrom@gmail.com

ANNOTATSIYA: Gender bu-ayollar va erkaklar uchun ijtimoiy jihatdan qo'llaniladigan ta'rif. Ushbu tushunchada ayol va erkaklarning biologik xususiyatlari nazarda tutilmaydi. Aksincha gender tushunchasi negizida jamiyat, jamoat va shaxsiy hayotda ayollar va erkaklarga tegishli vazifalar, funksiyalarning konsepsiyasi yotadi. Globallashuv jarayonida gender tenglik masalasi dolzarblik jihatdan cho'qqiga erishdi. Xususan O'zbekiston Respublikasida ham. Mamlakatimizda jinslararo tenglik g'oyasi siyosat darajasiga ko'tarilgan.

KALIT SO'ZLAR: gender tenglik, rehabilitatsiya, STEM, steriotip, ayol hokimlar, resurs

Gender tushunchasi-xotin-qizlar va erkaklar o'rtasidagi munosabatlarning jamiyat hayoti va faoliyatining barcha sohalarida, shu jumladan, siyosat, iqtisodiyot, madaniyat, ta'lim hamda ilmfan sohalarida namoyon bo'ladigan ijtimoiy jihatlarni ifodalaydi. Bundan kelib chiqadiki, gender tushunchasi faqat ayollar manfaatlarini ifodalamaydi. Balki, har ikki jins vakillarining o'z orzu va maqsadlarini, hayot sifatini oshirish uchun bir xil imkon berish kerakligini ilgari suradi. Aynan rivojlangan jamiyatning talablaridan biri bu erkak va ayol huquqlari tengligining ta'minlanishidir. O'zbekiston Markaziy Osiyo davlatlari o'rtasida birinchilardan bo'lib xotin-qizlarga erkaklar bilan teng huquqlar berilishi borasida qator tadbirlarni amalga oshirdi. 1995-yilda O'zbekiston xotin-qizlar huquqlari kamsitilishining barcha shakllariga barham berish to'g'risida kovensiyani (CEDAW) ratifikatsiya qildi. Uning qator moddalari qonunchilikka kiritildi.

Yangi taraqqiyot pallasiga yuz tutgan O'zbekistonda gender tengligi masalasi chuqur isloh etilmoqda. Prezident Shavkat Mirziyoyev mamlakatimizda ayollar va erkaklar teng huquqliligi borasida bir qator qonunlarga imzo chekdi. Darhaqiqat, ayollarning huquq va imkoniyatlarini kengaytirish barqaror taraqqiyot jarayonini tezlashtirishning muhim omillaridan biri sanaladi. BMT tomonidan 2000-yilda butun xalqaro hamjamiyat bilan birgalikda gender tengligi konsepsiyasi inson faoliyatining asosiy tamoyillaridan biri sifatida qabul qilinishi natijasida mazkur yo'nalishda bir qator ijobiy o'zgarishlarga erishildi. O'zbekistonda esa oxirgi 5 yilda ayollarni ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy sohalaridagi mavqeyini kuchaytirish borasida sezilarli qadamlar tashlandi. Xususan, O'zbekistonda xotin-qizlar huquqlarini taminlash va himoya qilishning huquqiy asoslarini yanada takomillashtirish maqsadida 2019-yil sentyabr oyida Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risidagi, Xotin-qizlarni tazyiq va zoravonlikdan himoya qilish to'g'risidagi Qonunlar qabul qilindi. Bundan tashqari, mehnatga oid huquqlarning kafolatlari va qo'llab-quvvatlashni yanada kuchaytirish, uydagi zo'ravonlik qurbonlariga yordam berish maqsadida Zo'rlik ishlatishdan jabr ko'rgan shaxslarni rehabilitatsiya qilish va moslashtirish hamda o'z joniga qasd qilishning oldini olish respublika markazi va Xotin-qizlar tadbirkorligi markazi, Hukumat huzuridagi Oila ilmiy-amaliy tadqiqot markazi kabi yangi tuzilmalar tashkil topdi. Barqaror rivojlanishning Beshinchi maqsadini amalga oshirish doirasida "Gender tenglikni ta'minlash hamda barcha xotin-qizlarning huquq va imkoniyatlarini kengaytirish" ga oid to'qqizta vazifa ishlab chiqildi. 2020-yil oktabrda "Gender tenglik faoli" milliy tanlovi e'lon qilindi. Shuningdek, xotin-qizlarning gender kamsitilishiga yo'l qo'ymaslik maqsadida O'zbekiston Respublikasida Gender tenglikni ta'minlash masalalari bo'yicha komissiya tashkil etildi. Mazkur yangi



tashkil etilgan barcha institutsional mexanizmlar O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasi bilan birgalikda BMT Konvensiyasiga muvofiq ayollar huquqlari, gender tengligi va xotin-qizlarga nisbatan kamsitishlarga barham berishning yagona yaxlit mexanizm paydo etishga asos bo'ldi. Ayniqsa, Xotin-qizlarni tazyiq va zo'ravonlikdan himoya qilish to'grisidagi Qonunning qabul qilinishi muhim ahamiyat kasb etdi. Ushbu Qonun ko'p yillik muhokamalardan so'ng qabul qilindi. Qonun oiladagi zo'ravonlik qurbonlariga yordam berish, ularga boshpanalar ajratish, ishonch telefonlari va nafaqat jismoniy zo'ravonlik, balki psixologik yoki iqtisodiy jinoyatlar bo'yicha majburiy javobgarlikka tortish orqali ayollarni himoya qilish uchun asosdir. Bunday choralar, xususan, BMTning inson huquqlari bo'yicha idoralari tomonidan uzoq vaqt davomida tavsiya qilib kelingan. Gender siyosatining monitoringi va samaradorligini baholash sohasida www.gender.stat.uz saytida qo'shimcha 54 ta gender kursorlarini kiritish orqali muhim o'zgarishlar ro'y berdi. Bu sa'y-harakatlarga qo'shimcha ravishda, biznes inkubatorlari bilan bir qatorda, ayollarni talim va fan sohasida ragbatlantirish, shuningdek, STEM (Fan, texnologiya, muhandislik, matematika) laboratoriyalar yaratish orqali ularni tabiiy va texnik fanlar sohasiga jalb qilish choralari ko'rish zarur. Bu, o'z navbatida, ayollarning bandligini, zamonaviy mehnat bozorida raqobatbardoshligini oshirishga yordam beradi. Ayni paytda BMTning O'zbekistondagi agentliklari o'rtasidagi hamkorlik doirasida gender masalalari bo'yicha maxsus guruh faoliyati yo'lga qoyilgan bo'lib, uning tarkibiga BMTning deyarli barcha agentliklari vakillari kiritilgan. Bundan tashqari, konferensiya, videorolik, O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasi qoshidagi yuridik klinika, ijtimoiy tarmoqlar kabi turli formatlarda ayollar muammolari to'g'risida xabardorlikni oshirish bo'yicha ko'plab tadbirlar davomli tarzda tashkil etilmoqda. Bu borada Taraqqiyot strategiyasi markazi va boshqa nodavlat tashkilotlar bilan ham faol hamkorlikda ish olib borilmoqda.

Prezident Shavkat Mirziyoyev 2019-yil iyun oyida Oliy Majlis Senatidagi nutqida shunday deydi: Meni kishilarimizning ongida paydo bo'lgan stereotip ko'p o'yantiradi. Odatda biz ayolni avvalambor ona, oila qo'rg'onining qo'riqchisi sifatida hurmat qilamiz. Bu, shubhasiz, to'g'ri. Ammo bugun har bir ayol oddiy kuzatuvchi emas, balki mamlakatda amalga oshirilayotgan demokratik o'zgarishlarning faol va tashabbuskor ishtirokchisi ham bo'lishi kerak. Senatning ushbu yig'ilishida Prezidentning taklifiga binoan, mamlakat tarixida ilk bor Senat raisligiga ayol kishi Tanzila Norboyeva saylandi. Ma'lumki, T.Norboyeva bu kunga qadar O'zbekiston Respublikasi Bosh vazirining o'rinbosari, O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasi raisi bo'lib ishlagan. Fikrimizning davomi sifatida yurtimizning ko'pgina hududlarida ayol hokimlar faoliyat yuritayotganini ham keltirib o'tishimiz mumkin. 2020-yilning mart oyi holatiga ko'ra, O'zbekistonda 170 nafar tuman va 25 nafar (viloyat va respublika bo'yisnuvidagi) shahar hokimi orasida faqat 6 nafar ayol ish boshlagan. 2020-yilning 20-yanvar kuni o'tgan Senatning birinchi yalpi majlisida nutq qilgan prezident Shavkat Mirziyoyev tuman hokimi lavozimiga ayollarni qidirayotgani, munosib nomzodlarni amalda sinab ko'rishi haqida aytgandi. «Nima uchun? Ayollarimiz muammolarni chuqurroq bilishi, fidoyiligi, kuchli mas'uliyat tuyg'usi, mehnatsevarligi bilan barchaga o'rnak bo'la oladi deb takror-takror aytmoqchiman», — deya ta'kidlagandi davlat rahbari. Shundan bir oy o'tmay amaldagi prezident davrida ilk ayol-hokim — Dilfuza Uralova Sirdaryoning Boyovut tumaniga rahbar etib tayinlandi. Shundan so'ng Buxoroning Olot tumaniga Nargiza Ne'matova, Andijonning Bo'ston tumaniga Sadbarxon Mamitova, Qashqadaryoning Qarshi tumaniga Maqsuda Mustafoyeva, Namanganning To'raqo'rg'on tumaniga Zulayho Mahkamova va Samarqandning Kattaqo'rg'on tumaniga Gavhar Alimova hokim etib tayinlandi. Davlat va jamiyat boshqaruvida hukumatning bunday o'zgarishlarga qo'l urishi gender tengligiga intilishning boshqacha ifodasi demakdir.

Mamlakatda gender tenglikni ta'minlash va ayollarning ijtimoiy turmush sharoitlarini yaxshilashga qaratilgan qonunlarning ahamiyati e'tiborga molikdir. Bu borada qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatlar ro'yxatini keltirib o'tamiz:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 7-martdagi "Xotin-qizlarning mehnat turlari kafolatlarini yanada kuchaytirish va tadbirkorlik faoliyatini qo'llab quvvatlashga oid chora-tadbirlar to'g'risidagi qarori

2. O'zbekiston Respublikasining Xotin-qizlarni tazyiq va zo'ravonlikdan himoya qilish to'g'risidagi qonuni

3. O'zbekiston Respublikasining xotin-qizlar va erkaklar uchun teng imkoniyatlar kafolatlari to'g'risidagi qonuni

4. O'zbekiston Respublikasi 30-martdagi Normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarini gender-huquqiy ekspertizadan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida 192-son qa-



rori

5. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 23-iyundagi Oliy ta'lim muassasalariga qo'shimcha davlat granti asosidagi qabul ko'rsatkichlari doirasida xotin-qizlarga tanlovda ishtirok etish uchun tavsiyanoma berish va ularni o'qishga qabul qilishni tashkil etish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqidagi 402-sonli qarori

6. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Xotin-qizlarni tazyiq va zo'ravonlikdan himoya qilish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risidagi 2020-yil 4-yanvardagi 4-son qarori

7. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 20-noyabrdagi Xotin-qizlarni ish bilan ta'minlash, ular o'rtasida tadbirkorlikni rivojlantirish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risidagi 919-son qarori

8. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 12-apreldagi Og'ir ijtimoiy vaziyatga tushib qolgan Xotin-qizlarga, nogironligi bo'lgan, kam ta'minlangan, farzandlarini to'liqsiz oilada tarbiyalayotgan va uy-joy sharoitini yaxshilashga muhtoj onalarga arzon uy-joylar berish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqidagi 285-son qarori.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, jinslar tengligi bu zamonaviy xususiyat bo'lmay u hamma vaqt, hamma davrlarda ham davom etgan. Bugungi kunga kelib gender jarayonlarning bosh masalasi insonning o'zini namoyon etishi bilan belgilanadi. Bu degani o'z turmush darajasini yaxshilash, ehtiyojlarini qondirish uchun o'zidagi barcha imkoniyat(resurs), qobiliyat va iste'dodini imkon darajada namoyon etishidir. Jamiyatda gender munosabatlarining ijtimoiy tashkil etilganligini tan olish, qaror topgan hokimiyat munosabatlarini ham qayta tashkil etish va gender tenglikka asoslangan ijtimoiy tartibni qaror toptirishga umid borligini anglatadi. Buyuk kelajak sari odimlayotgan O'zbekistonda gender ta'limoti va amaliyoti barcha huquqiy asoslarga egadir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Inson rivojlanishi to'g'risida ma'ruza. O'zbekiston 1999. Toshkent
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil iyun oyidagi nutqidan.
3. www.gazeta.uz
4. <https://www.lex.uz>
5. Social construction of gender/Ed. by J.Lorber, S.Farel London Sage Publications,1981



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АТРОФ ТАБИИЙ МУҲИТНИ ХАВФЛИ ТАЪСИРЛАРДАН ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаназаров Калбай Рустамович

Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар
малакасини ошириш Маркази
“Хусусий-ҳуқуқий фанлар
кафедраси” доценти

Аннотация: Мазкур мақолада Орол бўйи ҳудудларида архитектура ва шаҳар қурилишини ҳуқуқий такомиллаштиришнинг энг илғор устувор тамойиллари таҳлил қилиниб, илмий шакллантирилган.

Калит сўзлар: хавфсизлик, Орол бўйи, ахитектура ва шаҳар қурилиш, атроф табиий муҳит, таъсир, экологик қонунчилик.

Бугунги кунда мамлакатимизда хавфсизликни таъминлаш, хавфли чиқиндиларнинг атроф табиий муҳитга, инсонлар ҳаёти ва соғлиғи, аҳоли ҳамда ҳудудлар хавфсизлигига таъсирини ҳуқуқий тартибга солишга доир қонунчилик базаси бугунги кун талабига тўла жавоб беради, ўз такомилига етган деб бўлмайди. Мамлакатимизда атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштиришга оид асосий муаммолар қуйидагилардан иборат: биринчидан, ушбу муаммони тартибга солиш предмети аниқлашга доир масалаларнинг мавжудлиги, иккинчидан, атроф табиий муҳитни хавфли таъсирдан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонунчиликнинг бошқа қонунчилик ҳужжатларидан фарқи жиҳатлари ҳамда ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, учинчидан, бу соҳа миллий қонунчилигимизни халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаш, тўртинчидан, атроф табиий муҳитни хавфли таъсирдан муҳофаза қилиш соҳасида юзага келган вазиятнинг ўзига хослигини ҳисоб-китоб қилиш амалиётини йўлга қўйиш, ва, бешинчидан, ушбу қонунларнинг ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини оширишни таъминлаш ва ҳоказо.

Шуни айтиш керакки, зарарли таъсирдан ҳимояланиш ва атроф табиий муҳитга унинг оқибатларидан ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги мавжуд муаммолар айнан радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлишнинг яхлит қонунчилик механизми яратилмаганлиги билан ифодаланади. Махсус илмий адабиётларда тўғри таъкидланганидек, қонун қабул қилинди ва тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар юзага келди, деган сўз атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишдаги барча ижтимоий муносабатлар тартибга солинди ва оқибатда экологик хавфсизлик яратилди, дегани эмас. Унинг учун жуда кенг қамровли ва ўта серҳа ражат масалани ҳал қилиш керак бўлади, яъни экологик-ҳуқуқий механизмни яратиш талаб этилади [1. 58 б.].

Ушбу муаммони самарали ҳал этиш учун бир қатор техникавий-ҳуқуқий талабларни ҳам инобатга олиш лозим: ҳуқуқий кўрсатмаларнинг такрорланмаслиги, уларнинг аниқ бўлиши, ҳавола қилинадиган нормаларни шакллантиришдан қочиш зарурлиги ва бошқалар. Аввало, радиациявий хавфсизликни таъминлашга бағишланган қонунларда омбор жойлаштириладиган жойнинг экологик-геологик асослари, радионуклид тушунчаси, хавфли манбалар тушунчаси, хавфли чиқиндилар билан муносабатда бўладиган ихтисослаштирилган ташкилот тушунчаси, зарарли чиқиндилар билан муносабатда бўлиш объектлари тушунчалари ва бошқалар очиб берилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг экологик қонунчилигида зарарли моддалар ва улар чиқиндиларининг давлат кадастрини мажбурий юритиш тўғридан-тўғри назарда тутилмаган. Ваҳоланки, зарарли таъсирдан ҳимояланишга доир муносабатларининг ўзига хослигини назарда тутган ҳолда шундай кадастр юритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Қабул қилинадиган хавфли чиқиндиларнинг давлат кадастрига тегишли нормалар ўзида қуйидагиларни мужассам этиши керак: хавфли чиқиндилар ҳамда категорияларининг таснифий каталоги; зарарли чиқиндилар тўғрисидаги маълумотлар банки; хавфли объектлар (пунктлар) ва улар билан муносабатда бўлишни амалга оширадиган ташкилотларнинг давлат реестри; зарарли таъсирларни зарарсизлантириш, агар хавфли чиқиндилар бўлса, уларни қайта ишлаш, сақлаш ва кўмиб ташлаш технологиялари тўғрисидаги маълумотлар банки ва ҳоказо.

Фикримизча, аҳолининг атроф табиий муҳитнинг ҳолати, зарарли таъсир тўғрисида ишончли ахборот олиш ҳуқуқини амалга оширишда жиддий камчиликлар мавжуд. Фуқароларнинг экология қонунчилигида назарда тутилган ҳуқуқини таъминлаш мақсадида “Атроф табиий



муҳит ҳолати тўғрисида маълумотларни олиш тўғрисида”ги Низом, шунингдек, уни амалга оширишни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб масалалардан биридир.

Атроф табиий муҳитни ифлослантириш орқали етказилган зарарни қоплаш, унинг оқибатларини тугатиш, ифлосланган ҳудудларни реабилитация қилиш бўйича экологик дастурларни амалга ошириш атроф муҳит ва инсон соғлиғини таъминлаш соҳасидаги муносабатларнинг алоҳида гуруҳини ташкил этади. Аҳоли соғлиғи ҳамда атроф табиий муҳитга хавф туғдирадиган, техноген фаолият натижасида хавф пайдо бўлгандан кейин реабилитация қилиниши лозим бўлган ёхуд алоҳида хавфли объектлар эксплуатациясидан чиққандан кейин жойлаштирилган участкалар ҳудуднинг ифлосланган участкаси деб ҳисобланади. Афсуски, ҳаракатдаги экология қонунчилиги ҳам, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам у ёки бу объектни “алоҳида хавфли объект” ёки оддий “хавфли объект” ёхуд “радиациявий хавфсиз объект”лар сирасига киритиш ва объектнинг экологик дастурини амалга оширишда иштирок этиш заруриятини аниқлаш мезонларини белгиламайди. Мисол тариқасида, радиациявий ифлосланган участкаларни реабилитация қилишнинг экологик дастурларини самарали амалга ошириш жуда мураккаб бўлиб қолмоқда.

Юридик адабиётларда чиқиндиларнинг илмий таснифи ва улар билан муносабатда бўлишнинг тегишли режимини белгилаш муаммоси тез-тез баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда [2. 77-79 бетлар.]. Чунки, турли хилдаги хавфли чиқиндилар билан муносабатда бўлиш қоидаларини, санитария қоидаларини, хавфсизлик нормаларини ишлаб чиқиш учун зарарли чиқиндилар классификация қилиниши зарур. Зарарли чиқиндиларнинг мукамал ва аниқ классификацияси, у ёки бу материалларни хавфли чиқиндилар сирасига киритиш мезонлари, уларнинг ташувчилари ҳамда улар билан муносабатда бўлиш қоидалари экология қонунчилигида ҳали мукамал ифодасини топган эмас.

Экология қонунчилигида ҳам, махсус илмий тадқиқот ишларида ҳам радиоактив чиқиндилар билан савдо-сотиқ қилиш, хавфли чиқиндиларни гаровга қўйиш, улар билан муносабатда бўлиш бўйича фаолиятни амалга оширишга банд солиш ва таъқиқлаб қўйиш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва қўллаш тушунчаларининг ўзаро муносабати каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилмаган ҳамда тадқиқ этилмаган.

Фуқаролар ва атроф муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофазаланганлик ҳолати борасида мамлакатимизнинг шимолий қисми – Қорақалпоғистон Республикаси ҳам ўзига хос минтақа ҳисобланади. Сўнгги ўн-ўн беш йилликда тикланган ва эксплуатацияга топширилган саноат ишлаб чиқариш объектлари – Устюрт газ-кимё комплекси, Қўнғирот сода заводи, қурилган ва қурилаётган кимё заводлари, шунингдек Қоратоғдан[3] қазиб олинаётган табиий ресурслар ва ундан ҳосил бўлаётган чиқиндиларнинг таъсири ва қолаверса, глобал иссиқ жараёнининг кучайиши натижасида табиий ионлаштирувчи нурланиш даражаси (радиациявий хавфсизлик)нинг авж олиши каби омиллар мазкур соҳада республикада ташкилий-ҳуқуқий механизмларни ишга солишга эҳтиёж пайдо бўлганини кўрсатмоқда. Таҳлиллар, кузатувлар, республика давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, соҳага тааллуқли жамоат ташкилотларида бўлган кўпдан-кўп дебатлар натижасида Қорақалпоғистон Республикасининг “Атроф-муҳитни зарарли таъсирдан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва жамоат муҳокамасига қўйиш лозим ҳисобланади.

Атроф табиий муҳитни хавфли таъсирлардан ҳуқуқий муҳофаза қилишни такомиллаштиришда иқтисодий механизмига доир таҳлил асосида хавфли ашёлардан фойдаланиш қафолатлари етарли эмас, деган хулосага келинди. Ушбу қафолатларни такомиллаштириш мақсадида хавфли чиқиндиларни жойлаштириш ва зарарли моддаларни атмосферага чиқариш тўғрисидаги нормативларни тасдиқлаш, бундай нормативларни легаллаштириш шакли сифатида ҳақ олиш, Ўзбекистон ҳудудига киритилган зарарли ашёларни олдини олиш йиғмалари учун республика ҳисобига келиб тушган маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмини такомиллаштириш кераклиги тақлиф этилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ниғматов А. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2004. 58-б.
2. Иойрыш А.И., Супатаева О.А. Обращение с отработавшим ядерным топливом и радиоактивными отходами, образующимся при утилизации атомных подводных лодок // Правовые и экономические проблемы управления безопасностью и рисками. Сб. статей. –М., ФЦНТП, 2003. С. 77-79.
3. Изоҳ: “Қоратоғ” қорақалпоқчада “Қаратау” саналади



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДА “СУД НАЗОРАТИ” ВА “СУД КОНТРОЛИ” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ.

Баҳодир Холмонов

Тошкент шаҳар Тошкент

туманлараро маъмурий

судининг судьяси

pochtawaym@mail.ru

Мухиддин Махмудов

Ўзбекистон Республикаси Судьялар

Олий кенгаши хузуридаги

Судьялар Олий мактаби магистранти

pochtawaym@mail.ru

АННОТАЦИЯ: Суд – ҳуқуқ соҳасида атамаларни тўғри йўлга қуйиб ишлатиш, бу норматив ҳужжатларни тушунарли бўлишини таъминлаб қолмай, балки маъносини аниқ равишан ишлатилишини таъминлаб беради.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Одил судлов, Суд ҳокимияти, Суд назорати, Суд контроли, Суд назорати субъектлари.

Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида таркибий қисми сифатида қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти, сиёсий партия ҳамда жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда ҳаракати алоҳида аҳамият касб этади. Чунки айнан суд ҳокимияти ҳар қандай қарор, ҳужжат, ҳаракатнинг қонунийлиги ёки ноқонунийлиги бўйича юзага келадиган низоларни ҳал қилиш ваколатига эга. [1]

Бугунги кунда суд назорати (контроль) тушунчасини комплекс моҳиятини умумназарий таҳлилини очиб бериш орқали, суд тизимида амалга оширилаётган замон талабига мос келувчи ҳуқуқий ислохотларга замин яратиш билан бир қаторда, назорат тадбирларининг таъсирчан самарадорлигини ошаётганлигини кўриш мумкин.

Суд ҳокимияти функцияси ҳақида гапирганда унинг мақсади ва вазифаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Чунки, ушбу функциялари давлат мақсадида ва вазифалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, давлат ўз олдида қўйган мақсадга эришиши учун маълум бир вазифаларни ҳал қилиши лозим, бу эса тегишли функцияларини амалга ошириш билан боғлиқдир.

Шуни қайд этиш лозимки, “мақсад”, “вазифа”, “функция” тушунчалари бир-биридан ажралмас бўлиб, улар суд ҳокимиятининг моҳиятига мос равишда шаклланади.

Мақсад бу муайян давлат органининг тараққиётидаги кейинги босқичда эришмоқчи бўлган ҳолати бўлса (масалан: фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш) вазифа эса ушбу мақсадга эришиш учун ҳал этилиши лозим бўлган масалалар, функция- вазифалар ечимига қаратилган фаолият йўналишидир.

Суд назоратининг моҳияти - махсус ваколатли органлар (судлар) ва мансабдор шахслар (судьялар) томонидан, ҳуқуқий фаолият соҳасида ваколат берилган маъмурий органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар ҳаракат (ҳаракатсизлик) ва қарорларидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя, риоя қилиш мақсадида қабул қилинган ва қўлланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини таъминлашга қаратилган процессуал текширишдир.

Суд назорати субъектлари: Ўзбекистон Республикасида суд тизими Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари ва туманлараро маъмурий судлардан иборатдир. [2]

Суд назоратининг турлари конституциявий, шунингдек, жиноят процессининг судгача бўлган босқичларда, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судларда ҳамда маъмурий судлар фаолиятида ўз аксини топади.

Ҳозирги кунда, суд назорати ва суд контроли тушунчалари ҳуқуқий мақоми жиҳатидан



ажртилмаган бўлсада, аксарият олимлар томонидан мантиқан бу тушунчалар икки хил маънони англатишини, қонунчилик қўллаш вақтида мазкур терминларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини билдиришади. Шундай экан, “Суд контроли” ва “Суд назорати” сўзларини алоҳида маънода ишлатилишини кўришимиз мумкин.

“Суд контроли” тушунчаси Ўзбекистон Қонунчилигида қўлланилмасада, бироқ хорижий давлатлар юрисдикциясида масалан, Россия Федерация, Франция, Англия, Польша ва бошқа давлатларда “Суд контроли” сўзи кенг қўлланилади.

Бироқ, изланувчилар ўртасида бу сўзлар ўртасидаги фарқ юзасидан ҳали бир аниқ бир тухтамга келинмаган. [3] Бироқ, Қонун ҳужжатларида, шунингдек, қонунчиликда назорат ва контролни фарқлаш учун аниқ мезонлар мавжуд эмас. [4]

Замонавий луғатда “Контроль” сўзининг маъноси дейилганда: а) текшириш, текшириш мақсадида кузатув; б) кимнингдир фаолиятини текширувчи муассаса; в) назоратчилар деган маъно тушунилади. Бундан ташқари, рус олими Д. Н. Ушаков раҳбарлиги ёзилган луғатда Контроль сўзи француз тилидан *controle* олинганлигини, яъни а) кузатиш, бирор нарсани назорат қилиш текшириш мақсадида. 2) қайсидир мансабдор шахснинг фаолиятини контролли амалга ошириш мисолида кўрсатилади. [5]

Шунингдек, инглиз тилидаги луғатлар *control* сўзини маъносини қўйидагича ифодалайди а) маъмурий таъсир орқали бошқарув ёки доминант таъсир; б) ушлаб туриш, чегаралаш; в) текшириш, маъноларини ёритади. [6]

Назор сўзининг маъноси эса, назорат қилиш, бировни назорат қилиш, назорат қилиш мақсадида ҳимоя қилиш маъноларини англатади. Бундан ташқари рус олими Д. Н. Ушаков раҳбарлиги ёзилган луғатда НАЗОРАТ сўзининг маъноси - назорат қилиш. кимнидур устидан назорат ўрнатмоқ. кимнингдир назорати остида бўлмоқ. 2) белгиланган тартиб қоидаги риоя этилишини назорат қилиш маъносида келади, лекин таъсир чораси бўлмайди. Прокурор назоратига келтириш. Санитария назорати. [7]

Рус олимаси Галанина Л.А. фикрича контроль фаолияти 2 га бўлинади. а) давлат контроли. б) ижтимоий (жамоа) контролини ўз ичига олади. [8]

Ёндашувларни жамлашимиз шуни кўрсатади-ки, “Суд назорати” ва “Суд контроли” тушунчаларини маъноларидан келиб чиқиб, алоҳида – алоҳида талқин қилиш лозим бўлади, бу эса, суд фаолияти соҳасида қўлланиладиган атамани асл маъносини чиқурроқ кўрсатиб, икки хил маъноли сўзларни бир хил маънода талқин қилинишига йўл қуйилмайди.

Таъкидлашимиз лозимки, Суд ҳокимиятининг Одил судловни амалга ошириш функциясида ташқари ўз фаолиятида алоҳида муҳим функция - суд назорати функциясини амалга оширади. [9]

Ўзининг маъноси билан бу функция рус олими Масликов И.С. фикрича уч тоифага тавсифланади: «Биринчидан, бу албатта, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган; иккинчидан, бир ҳокимиятнинг бошқа ҳокимиятларнинг ваколатларига аралашувини чеклаш, шу билан ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойилига риоя этилишини назорат қилиш; учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳимоя қилишга қаратилган – мамлакатнинг асосий қонуни» [10]

Суд назорати суд ҳокимиятининг амалга оширишнинг алоҳида функцияси сифатида эътироф этилиб, одил судловни амалга оширишда ўз – ўзидан суд ўз функциясин бажариши билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинларини ҳимоя қилади, қонунларга риоя этилишини назорат қилади, мансабдор шахслар томонидан қонунларни амалга оширилишини назорат қилади.

Рус олимаси Черпунова Н.М. таъкидланишича, судлар одил судловни амалга оширишда конституциявий характердаги суд назоратини амалга ошириб, конституция ва қонунларда келтирилган нормалар доирасида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади. [11]

Ю.М.Алпатованинг фикрича – Суд назорати бу Конституция ва Қонун ости актларига, қарор ва давлат органлари мансабдор шахсларнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)га маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва органларнинг, оммавий ҳуқуқи фаолиятни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг низо (конфликт) ҳал қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган давлатнинг юрисдикцион фаолияти.[12]

Н. М. Чепурнова ва В. А. Ржевскийлар “Одил судлов назорати Олий суд томонидан қўйи судларнинг суд фаолияти, ижро ҳокимияти соҳасидаги суд контроли, суд конституциявий назорати” бу ҳам суд ҳокимиятини амалга оширишнинг белгиси эканлигини билдиради. [13]

Ўз навбатида, Т. А. Савелева қўйидагиларни қайд этади: "Адолат-конституциявий, фуқаролик, жиноий ва маъмурий ишларни амалга ошириш орқали суд ҳокимиятини амалга ошириш учун мустақил, мустақил давлат фаолияти тури» [14]



Жиноят ҳуқуқи фанининг вакили К.А. Сергеев ҳисоблашича, Одил судлов ва суд назоратини амалга ошириш бу суд ҳокимиятини амалга оширишни эканлигини билдиради.

Бундан ташқари, суд назорати таърифидаги тафовутларни тушуниш мумкин унинг "омнивор", "кенг қўламли" ва бошқалар. Шу билан бирга, адолат ва суд назорати тушунчалари ўртасида катъий фарқ қилиш учун объектив асослар йўқ деб ҳисоблаймиз. Албатта, айрим ҳолларда (масалан, жиноят процессида) суд назорати сезиларли ўзига хосликка эга, лекин суд адолатни амалга оширмайди, дейиш нотўғри. Барча суд фаолияти Одил судловни амалга ошириш ва суднинг назорат ваколатлари Одил судловнинг бир қисмидир.

Ўз навбатида, суд назорати мураккаб ва ноаниқ тушунилган ҳуқуқий категория эканлигини таъкидлаймиз. Юридик адабиётларда унинг тушунчаси ва турлари, суд назорати ва суд контроли нисбати турлича талқин қилинади. суд ўз-ўзини назорат қилиши ҳам таъкидланган

Характерли жихат шундаки, олимлар суд назоратини биринчи навбатда маъмурий ишларга, аниқроқ қилиб айтганда, оммавий ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқувчи ишларга нисбатан қўлланиши, яъни давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари, ҳаракатлари ҳуқуқий баҳо бериш орқали кўриш мумкин.

Демак, суд назорати сифатида шуни таъкидалашимиз мумкин-ки, "Ўзбекистон ҳуқуқ тизими ваколатларни ажратиш назарияси ва унга асосланган "маъмурий адлия ёки бошқарув фаолиятининг қонунийлиги устидан суд назорати" институти қисман қабул қилинган дейилса адашмаган бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекснинг 27-моддасида маъмурий судлар томонидан ҳал этиладиган муносабатлар келтирилган.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкин, суд – ҳуқуқ соҳасида атамаларни тўғри йўлга қуйиб ишлатиш, бу норматив ҳужжатларни тушунарли булишини таъминлаб қолмай балки маъносини аниқ равшан, раво бўлишини таъминлаб беради. Демак, халқаро атама бўлган "Контроль" сўзи билан "Назорат" сўзини ўртасида чегарани аниқ очиб берилса, қонунчиликдаги тушунмовчиликларни олди олиниб, ижро этилиши лозим бўлган, аниқ мазмундаги ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати РЎЙХАТ

1. Қаранг: Д.Арипов, Р.Тожибоев. – "Жиноят ишини судга қадар юритиш ва жазони ижро этиш босқичларида суд назоратини жорий қилишнинг зарурияти ва аҳамияти" Судьялар ва судьялик номзодлари учун мўлжалланган монография. -Т.: IMPRESS MEDIA/ 2019. 6-6.
2. Контрольная и надзорная юридическая деятельность: к вопросу о разграничении понятий // Право и политика. 2014. № 2. С. 245- 251 и другие.
3. Шесткова Е.С. Общетеоретическое исследование контрольной (надзорной) деятельности государства // Вопросы управления. 2014. № 6. С. 230-232.
4. <https://ushakovdictionary.ru/word.php?wordid=24929>
5. Американский словарь для колледжей. Наследие. Изд. 3-е. Бостон-Нью-Йорк, 1997. С. 303.
6. <https://ushakovdictionary.ru/word.php?wordid=31956>
7. Галанина Л.А. Организационно-правовое обеспечение контроля за исполнением нормативно-правовых актов в субъектах Российской Федерации. М., 2001. С. 33.
8. Бучакова М.А. Судебный контроль: некоторые теоретические подходы // Вестник Омского университета. Серия «Право». 2017. № 1. С. 156-161 и другие.
9. Масликов И.С. Судебная власть в государственном механизме РФ: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 1997. С. 11.
10. Чепурнова Н.М. Судебный контроль в Российской Федерации. С. 59
11. Алпатов Ю.М. Вопросы процессуального права и судебный контроль // Ученые труды Российской академии адвокатуры и нотариата. 2016 № 3 (42). С. 92.
12. Савельева Т. А. Судебная власть в гражданском процессе. Саратов, 1997.
13. Лазарева В. А. Судебная власть и ее реализация в уголовном процессе. Самара, 1999. С. 56.
14. Савельева Т. А. Судебная власть в гражданском процессе. Саратов, 1997.



ИҚТИСОДИЙ НИЗОЛАРНИ СУДГАЧА ҲАЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИНГ МУҚОБИЛ УСУЛЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мусабоев Жаҳонгир Собирович
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар Олий мактабининг магистранти

АННОТАЦИЯ: Мақолада юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда судгача низоларни ҳал этиш, унинг афзалликлари ҳамда медиация тушунчаси ва низоларни судгача ҳал қилувчи апелляция кенгаши тўғрисидаги маълумотлар ёритилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: иқтисодий низолар, судгача тартиб, шикоят қилиш ҳуқуқи, юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шикоят бериш, медиация, медиатор, низони муқобил ҳал қилиш.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурида судгача низоларни ҳал этишнинг механизмларини белгиловчи “Яраштириш жараёнлари(медиация) тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган эди. Шу муносабат билан 2018 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида” ги Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонун келгусида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда шу жамладан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган, шунингдек, якка меҳнат низоларига ва оилавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларда тарафларни муроасага келтиришга мўлжаллангандир.

Медиация институтининг кириб келиши муносабати билан у билан боғлиқ тартиб-таомилларни амалга оширишнинг процессуал мезанизмининг белгилайдиган Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг келишув битими бағишланган XVI-боби “Яраштириш тартиб-таомиллари” деб қайта номланиб, бир қатор моддалари (48,49,50,63,65,101,103,107,131,155,221) медиацияга оид нормалар билан тўлдирилди.

Медиация – низони холис шахс (медиатор) иштирокида ҳал қилиш усулидир. Ушбу усул ҳақида “Низоларни ҳал қилишнинг янги усуллари: медиация” номли мақолада батафсил танишиш мумкин.

“Медиация” сўзи латин тилидаги "mediare" сўзидан олинган бўлиб, воситачилик қилиш, келиштириш мақсадида аралаштириш деган маъноларини билдиради. Шунинг учун юридик адабиётларда медиация ва воситачилик тушунчалари синоним ҳисобланади. Медиация (воситачилик)нинг легал таърифи бизнинг қонунчилигимизда мавжуд эмас.

Медиация (воситачилик) билан боғлиқ муаммолар тадқиқ этилган илмий ишларда мазкур тушунчага муаллифлик таърифлари келтирилган.

Конфликтология соҳаси бўйича мутахассислар медиация деганда, воситачилик қилувчи ташқи учинчи шахс – медиаторнинг – авж олаётган низони жавобгарликни ўз зиммаларига олишга тайёр турган барча иштирокчилари билан биргаликда алоҳида ҳолат учун характерли бўлган тартибга солиш варианты ёки мавжуд низонинг келажақда барқарор ва тарафлар учун фойдали ечимини ишлаб чиқишдаги ёрдамчини тушунадилар.

Медиацияни ўрганиш бўйича халқаро тадбирларда унинг самарадорлиги бўйича бир қанча рақамлар келтирилади. Масалан, АҚШда мазкур процедурадан ўтган ишларнинг 95 фоизи суд муҳокамасигача етиб бормаган. Германияда медиациянинг кўрсаткичлари катта таассурот қолдиради – 90%дан кўпроқ музокаралар тарафларнинг келишув битими билан якунланган. Қуйи Саксонияда самарадорлик 97%ни ташкил этади. Буюк Британияда 90-95 фоиз низоли ҳолатлар суд муҳокамасигача ҳал этилади. Европада медиациянинг самарадорлиги ўртача 40-80%ни ташкил этади.

Одатда давлат судлари низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари ривожлантиришга ҳар томонлама кўмак беради, сабаби улар давлат судларидаги ишлар сонини нормаллашти-



ришга шунингдек, одил судловни самарали амалга ошириш учун зарур шароит яратишга имкон туғдиради.

Хулоса қилиб айтганда медиациянинг мақсади – низо иштирокчиларининг ўз келишмовчиликларини мустақил ҳал қилиш лаёқатига, ўзаро талабларини қондиришга ва ҳар икки тараф учун баравар фойдали бўлган келишувга эришишларига кўмаклашишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 17 июндаги, ПҚ-4754-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлда қабул қилинган “Медиация тўғрисида”ги қонуни.
3. Адолат газетаси, 2018. № 28.
4. <https://www.norma.uz>.
5. Бизнинг шарҳлар Юридик хизмат низони судгача ҳал қилиши лозим Фозилжон Отахонов ССП ҳузуридаги ХТАСнинг раиси.



МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ КЎРИБ САМАРАЛИ ҲАЛ ЭТИШДА ЎЗАРО МУЗОКАРАЛАР ОЛИБ БОРИШ БОСИҚЧИНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Раҳимкулова Лола Улуғмуродовна,
Тошкент давлат юридик
университети ўқитувчиси
Телефон: +998971408604
L.rahimkulova@gmail.ru

АННОТАЦИЯ: Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон меҳнат бозорида конфликтлар ва низоли вазиятларнинг кўпайиб бориши табиий ҳолдир. Мазкур мақолада иш берувчи ва ходим ўртасида мавжуд низони самарали кўриб ҳал этишда ўзаро музокара-лар олиб боришнинг ўрни ва аҳамияти таҳлил этилган. Бу борада хориж тажрибаси чуқур ўрганилиб, Ўзбекистон меҳнат қонунчилигини ривожлантириш учун асосли таклифлар ил-гари сурилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: якка меҳнат низолари, ўзаро музокаралар олиб бориш, халқаро меҳнат ташкилоти, Ҳаракатлар стратегияси

Мамлакатда давлат органларининг аҳоли билан мулоқотини такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларнинг му-аммоларини ҳал этишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияни “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасида айрим тоифада-ги фуқаролик низоларини судгача ҳал этиш тартибини жорий этиш назарда тутилди.[1]

Шунингдек, 2020 йил 17 июндаги “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмлари-ни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги президент фармонининг қабул қилиниши соҳа ривожини учун муҳим амалий қадамлардан бири сифатида эътироф этиш мум-кин.[2]

Айтиб ўтиш жоизки, замонавий Ўзбекистонда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий-ижтимоий ислохотлар меҳнат бозорида ҳуқуқий муносабатларнинг кескинлашувига, яъни меҳнат муносабатлари субъектлари ўртасида фикр-мулоҳазаларнинг бир-бирига қарама-қарши келиб қолишига, манфаатларнинг ўзаро мос келмай қолишига олиб келмоқда. Ушбу ҳолат эса, сон ҳижатидан кескин кўпайиб кетган низоларнинг аксарият қисми ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилмасдан қолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Минг афсуски, меҳнат муносабатлардан келиб чиқувчи баъзи турдаги низолар йиллар давомида ваколатли органлар “столи устида” қолиб кетмоқда ёки “номига” ҳал этилиши кузатилмоқда.

Шу боис, меҳнат муносабатларида юзага келадиган низоли вазиятларни кўриб ҳал этиш-да энг самарали йўللardan бири мавжуд низони ҳал этиш мақсадида иш берувчи ва ходим ўзаро музокара олиб бориши лозим деган таклифни илгари сурамиз. Негаки, келишиш-бу инсоният табиатида мавжуд бўлган асосий хусусиятлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Зеро, қадимдан то бугунги кунимизгача инсонлар бир-бири билан ҳар бир жабҳада ўзаро келишувга эришиб яшаб келмоқда. Ўзаро музокара олиб бориш орқали келишувга эришиш ижтимоий муносабатларнинг икки субъекти ўртасида бир масала юзасидан бевоси-та келишувга эришишга интилишида ифодаланади. У асосан томонларнинг ўзаро келишган ҳолда масалага ечим топишга қаратилган жараён бўлиб, тарафлар ўртасида ўзаро ҳуқуқлари ва манфаатларнинг тўқнашувидан келиб чиққан низоларни ҳал этишда қўлланилади. Гар-вард ҳуқуқ мактаби профессорлари Р.Фишшер ва В.Ура ўзаро келишиш бу ҳаётнинг асосий қонуниятларидан бири эканлигини ифода этишади. Яъни жамиятда турли-туман характерга эга бўлган инсонлар биргаликда яшайди, албатта улар бирор бир ҳаракатни бошлашдан ол-дин бир-бирлари билан келишиб иш тутишини таъкидлайди.[3]

Меҳнат муносабатларидан вужудга келган конфликт юзасидан албатта иш берувчи ва ходим ўзаро “очиқчасига” фикр алмашишлари, бир-бирини “эшитишлари” лозим.

Халқаро Меҳнат ташкилотининг 130-сонли Тавсиясига кўра, низоларни ҳал қилишнинг



навбатдаги босқичи қандай бўлишидан қатъий назар умумий қоидага кўра, вужудга келган низо низолашаётган томонлар ўртасида тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш орқали ҳал қилишга уриниб кўрилиши талаб этилади. [4]

Кристина Михеснинг (Ms Cristina Mihe, Senior Specialist in Social Dialogue and International Labour Standards, ILO) фикрича, ўзаро музокара олиб бориш босқичининг асосий мақсади низолашаётган ҳар икки тараф ўртасида ўзаро манфаатли бўлган (мақбул бўлган) ечимни тақлиф этишдир.[5]

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, **ушбу босқич низоларни муқобил ҳал этишнинг бошланғич босқичи ҳисобланади.** Бу босқичда тарафлар низоли учинчи шахсларнинг иштирокисиз ўзаро муроаи-мадорага келиш йўли билан ҳал этишга интилади. Натижада тарафлар ҳар иккиси учун ҳам мақбул бўлган ечимга тўхталишади. Ж.А.Фариснинг таъкидлашича, мазкур босқичнинг ўзига хос хусусияти низолашаётган тарафлар низоли кўриб чиқиш ва ҳал этишда учинчи тарафни (шахс) аралаштиришга йўл қўймайди.[6]

Нагайцевнинг қарашларига кўра, низоларни муқобил ҳал этишда тарафлар томонидан ўзаро музокаралар олиб бориш (келишув) босқичига нисбатан камроқ мурожаат қилишининг асосий сабабларидан бири ушбу босқичнинг низоларни ўзаро ҳал этишда самарали шакл сифатидаги аҳамияти меҳнат муносабатлари иштирокчилари ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларининг амалга оширилмаганлиги ҳамда амалий кўникмаларнинг етарли эмаслиги сифатида баҳолайди[7]

Бизнинг назаримизда низоларни, айниқса меҳнат муносабатлари юзасидан келиб чиққан келишмовчиликларни, зиддиятларни тарафлар ўртасида ўзаро музокара олиб бориш йўли билан, яъни дастлабки босқичдаёқ ҳал қилиш энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Негаки, бирор масала юзасидан ўзаро фикрларнинг, қарашларнинг бир-бирига мос келмай қолиши тарафлар ўртасида низоли вазият мажуд деган ғояни илгари суришга асос бўлмайди. Шунингдек, ХМТ нинг “Метрополиядан ташқари ҳудудларда бирлашиш ҳуқуқи” тўғрисидаги 84-сонли Конвенциянинг 5-моддасида ҳар бир иш берувчи ва ходим ўртасида юзага келган низо имкон қадар содда ва қисқа муддатли жараёнларда кўриб ҳал этилиши кераклиги белгилаб қўйилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Қайд этиш лозимки, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилигида якка меҳнат низоларини ҳал этишда тарафлар ўртасида ўзаро музокаралар олиб бориш тартиби назарда тутилмайди. Тарафлар ўртасида ўзаро музокара олиб бориш бу-жараёндир ва унга хос бўлган хусусиятлардан энг муҳими эса, бу босқичда учинчи томоннинг иштироки талаб этилмайди. Мавжуд низоли ҳолатни ўзаро келишиб ҳал этиш жараёнида низолашаётган томонлар биринчи навбатда низоли ҳал этишни астойдил хоҳлаши ва иккинчи томонни ҳам фикрини тинглай билиши, барча мунозарали саволлар ўртага ташланиши ва жаво берилиши лозим бўлади.

Бизнинг назаримизда, меҳнат қонунчилиги тегишли нормалар орқали вужудга келган келишмовчилик юзасидан ходим иш берувчига ёки бунинг акси иш берувчи ходимга ёзма равишда келишмовчилик сабаби баён қилинган ариза билан мурожаат этиш тартиби шунингдек, мазкур аризани кўриб чиқиш мажбурияти, унинг муддатлари ҳамда ушбу аризага нисбатан ходимга ёзма жавоб йўлланиши каби процессуал ҳолатлар белгилаб қўйилиши лозим.

Шу ўринда қатор хорижий адабиётларни таҳлил қилган ҳолда меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тақлифларни илгари суриш мумкин:

Биринчидан: ўзаро музокара олиб бориш (келишув) ҳам низоларни муқобил йўл билан ҳал этишнинг асосий турларидан бири бўлишига қарамасдан ижтимоий фанлар ичида, хусусан ҳуқуқшуносликнинг алоҳида тармоғи бўлган меҳнат ҳуқуқида унинг назарий асоси ҳалигача шакллантирилмаган. Шу боис меҳнат қонунчилигида меҳнат низоларни муқобил йўллар билан ҳал этишнинг алоҳида босқичи сифатида **“ўзаро музокара олиб бориш”** жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш ва ушбу тушунчага таъриф бериб ўтиш лозим.

Шу билан бирга меҳнат қонунчилигида **“Ўзаро музокара олиб бориш”** деганда вужудга келган низоли ҳолат юзасидан низолашаётган тарафлар ўртасида уни бартараф этиш мақсадида бевосита музокаралар олиб борилиши жараёни тушунилмоғи лозим.

Иккинчидан: ўзаро музокара олиб бориш босқичини меҳнат қонунчилигида низоларни ҳал этишнинг дастлабки, босқичи сифатида шакллантириш ва унинг процессуал ҳолатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида Меҳнат кодекси лойиҳасининг



581-моддаси қуйидаги мазмундаги биринчи банд билан тўлдирилишини таклиф этамиз:

“Меҳнат муносабатларида юзага келадиган келишмовчиликларни қўриб ҳал этишида иш берувчи ва ходим ўртасида ўзаро музокаралар олиб босқичи дастлабки босқич сифатида амалга оширилиши лозим.”

Учинчидан, ижтимоий йўналишларда хусусан, жамиятшунослик, психология, менежмент, юриспруденция йўналишларига ихтисослашган олий таълим муассасаларида ўзаро музокара олиб бориш услуги (санъати) унинг назарий қисми ва ўзаро музокара олиб боришнинг амалий қўникмалари ҳақида базавий билимлар берадиган махсус ўқув модулларини яратиш лозим. Бу тажриба дунёнинг ривожланган давлатлари ҳуқуқ мактабларида мавжуд. Мисол учун, Р.Фишшер ва В.Ура узоқ йиллар Гарвард ҳуқуқ мактабида “Ўзаро музокара олиб бориш” ва “Медиация” дастурларидан таълим бериб келишган. Ҳеч шубҳасиз, мазкур модулларни мувофақиятли яқунлаган олий маълумотли мутахассислар нафақат, меҳнат муносабатларида вужудга келадиган ижтимоий конфликтларни ўзаро музокара олиб бориш йўли билан самарали ҳал қилиш қўникмасига эга бўлишади балки, корхонада фаолият кўрсатувчи меҳнат низолари комиссиясида ҳам мутахассис-аъзо сифатида эътироф этилади. Айтиб ўтиш жоизки, бугунги Ўзбекистон меҳнат бозорида мутахассислигидан қатъий назар меҳнатга оид конфликтларни қўриб самарали ҳал эта олиш потенциалига эга ходимлар ниҳоятда камчиликини ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://lex.uz/docs/4751561>
2. <https://lex.uz/ru/docs/4859436>
3. Getting to YES Negotiating an agreement without giving in. Second edition by Fisher, Ury and Patton RANDOM HOUSE BUSINESS BOOKS.P-2
4. https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO::P12100_ILO_CODE:R130
5. Strengthening the Mechanisms of Labour Dispute Prevention and Amicable Resolution in the Western Balkan Countries and Moldova Montenegro, Hotel Splendid, Bečići, 25–26 February 2009. Edited by Prof. Dr. Martin E. Risak and Christiane Holter University of Vienna/University of Passau/ chrome-extension://ohfgljldgelakfkefopgklcohadegdpjf/https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---europe/---ro-geneva/---sro-budapest/documents/publication/wcms_168827.pdf
6. FARIS J.A. AN ANALYSIS OF THE THEORY AND PRINCIPLES OF ALTERNATIVE DISPUTE RESOLUTION. DOCTOR OF LAWS at the UNIVERSITY OF SOUTH AFRICA// <https://core.ac.uk/download/pdf/43175988.pdf>. P-55
7. C084 - Right of Association (Non-Metropolitan Territories) Convention, 1947 (No. 84)// https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO::P12100_ILO_CODE:C084



ФУҚАРОЛИК СУДИДА ВАКИЛЛИК ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Бердимуратова Зульфия Джолдасбаевна

Ўзбекистон Республикаси Судьялар

Олий Кенгаши ҳузуридаги судьялар

Олий мактаби фуқаролик

мутахассислиги тингловчиси

Телефон: +998994508808

bzulfya@bk.ru

Аннотация: Мазкур мақолада вакиллик инсоният ривожланиши тарихининг барча давларида муайян шаклда ривожланиши, бевосита вакиллик институтининг келиб чиқиши масаласи ҳамда тушунчаси ёритилган.

Аннотация: В данной статье освещаются вопросы развития представительства в определенной форме на протяжении всей истории развития человечества, вопросы о происхождении института представительства а также даны понятия.

Калит сўзлар: вакил, вакиллик, вакиллик институти, умумий вакиллик, махсус вакиллик, вакилликнинг ваколатлари.

Ключевые слова: представитель, представительства, институт представительства, общее представительства, специальное представительства, полномочия представительства.

Вакиллик инсоният ривожланиши тарихининг барча давларида муайян шаклда ривожланиб келган, айниқса қадимги Миср, Чин, Юнон ва Рим давлатларида савдо ва ҳунармандчилик фаолиятида ундан кенг фойдаланилган. Қадимги Римда топшириқ шартномаси бир тараф (мандант) топшириқ бериши ва иккинчи томон (мандатарий) топшириқни бажаришни ўз зиммасига олишдан иборат бўлган. Топшириқ предмети сифатида юридик ҳаракатлар ҳам, фактик тусдаги хизматлар ҳам эътироф этилган.

Вакиллик кейинчалик XVIII-XIX асрларга келиб анча такомиллаштирилди ва орада ўтган давлардаги айрим ўзгаришлар билан ҳуқуқий жиҳатдан ҳозирги кундаги шаклга келтирилди. Вакиллик сўзининг ўзи (инглиз. representation) - бир шахс ўзида мавжуд бўлган ваколат асосида бошқа шахс номидан, унинг учун бевосита ҳуқуқларни вужудга келтириш (ўзгартириш, тугатиш) йўли билан ҳаракат қиладиган муносабатдир.

Юридик энциклопедияларида вакилликка қуйидагича таъриф берилган: вакиллик деганда, бир шахс - вакил томонидан иккинчи шахс - ваколат берувчи номидан ва унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда, ўз ваколатлари доирасида битим ва бошқа юридик ҳаракатларни амалга ошириш тушунилади.

Вакилликнинг ҳуқуқий табиатини аниқлаш учун вакилликнинг дастлаб оммавий ҳуқуқий категория эканлиги муҳимдир. Фуқаролик ҳуқуқида бевосита вакиллик институтининг келиб чиқиши масаласини кўриб чиқиш нуқтаи назаридан ушбу ҳуқуқий институтнинг назарий асосланиши, фуқаролик ҳуқуқида умумий тамойил сифатида бевосита вакиллик пайдо бўлиши даврида муносабатларда вакиллик қилиш ёндашуви масаласи ёритиб берилган. Ж.Боденнинг таъкидлашича, магистрант” ўз вколатлари доирасида ваколат ёки ваколатларга эга бўлган, фақат ўз иродасига асосланиб, бошқаларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга”. Вакил иродасининг мустақиллиги ҳақидаги тезис вакиллик доктринасини янада ривожлантиришда ва оммавий ҳуқуқ доирасидан ташқарида марказий ўринни эгаллади.

Вакиллик институти фуқаролик ҳуқуқида кенг қўлланиш соҳасига эга. Унга эҳтиёж нафақат ваколат берувчи шахснинг бу вазифаларни шахсан ўзи бажара олмаслиги (муомалага лаёқатсизлиги, хизмат сафарига кетганлиги, касаллиги) балки, махсус билимлардан фойдаланиш, вақтни тежаш учун ҳам қўлланилади.

Вакил ёрдамида нафақат мулкӣ, балки шахсий номулкӣ ҳуқуқларни ҳам амалга ошириш мумки [1. Б.322.]. Баъзи адабиётларда ҳолатга қараб белгиланувчи вакиллик тўғрисида ҳам фикр билдирилади (аҳолига оммавий хизмат кўрсатувчи муайян ташкилот ходимининг муайян жойда вазифаларни бажариш). О.Иоффенинг фикрича, ваколат юридик факт бўлиб ҳисобланади ва ваколат берувчининг ҳуқуқ лаёқатига вакилнинг муомала лаёқатини кўшилишининг чегарасини белгилаб беради [2. 183-184 бетлар.]. Ваколатсиз вакиллик қуйидаги ҳолларда юзага келади:



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВГА ОИД НИЗОЛАРНИ СУДДА Кўриб чиқишнинг илмий-назарий таҳлили.

Мансуров Мухиддин Мехриддинович
Судьялар олий мактаб тингловчиси
+998902990189

АННОТАЦИЯ: Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий-демократик ривожланишининг бугунги кундаги асосий йўналиши ва тамойиллари негизида аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатлари ҳамда халқнинг фаровонлиги ётади. Мазкур мақола Ўзбекистон Республикасида сайловга оид низоларни судда кўриб чиқишнинг илмий-назарий, қиёсий-ҳуқуқий таҳлилини очиб беради.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Суд-ҳуқуқ ислохотлари, инсон манфаатларини таъминлаш, Конституция, Сайлов кодекси, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс, сайлов комиссияси қарорлари, сайлов низолари, мурожаат қилиш ҳуқуқи, депутатликка номзодлар, умумий стандартлар, ҳудудий стандартлар.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни очиқ, шаффоф ва мустақиллик принциплари асосида ўтказишда халқ ҳокимияти ва сиёсий плюрализмнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва сайлов тизимини босқичма-босқич модернизациялаш бўйича тегишли чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида қайд этилганидек, сиёсий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов тизимида оид қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ҳалигача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаганди. Шунинг учун халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган ягона Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси белгилаб берилди.

Мазкур вазифа Ҳаракатлар стратегиясини 2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурига киритилди.

Шу пайтга қадар сайловга оид муносабатлар “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонунлар билан тартибга солиниб келинган. Шунингдек, бу соҳада қирққа яқин қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган.

Янги Сайлов кодексига, биринчидан, бугунга қадар тарқоқ ҳолда амал қилган сайлов тўғрисидаги ана шу қонун ҳужжатлари ўзаро уйғунлаштирилди. Иккинчидан, мазкур кодексни ишлаб чиқишда халқаро норма ва стандартлар талабларидан келиб чиқилди. Учинчидан, сайлов жараёнига нисбатан ягона шаффоф ва самарали ёндашувлар назарда тутилди.

Мамлакатимиз тарихида биринчи марта ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Сайлов кодекси 18 боб, 103 моддадан иборат. Сайлов кодексига қуйидаги янгиликлар ва асосий қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Биринчидан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида амалдаги 150 депутатлик ўрни сақлаб қолинган ҳолда, Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакилларида қуйи паллатада депутатлик ўринлари учун квота ажратиш институти чиқариб ташланди.

Иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига номзод кўрсатиш тартиби бекор қилинди.

Учинчидан, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш қонун билан тартибга солинадиган бўлди.

Тўртинчидан, сиёсий партиялар томонидан имзо йиғиш жараёнида сайловчиларнинг бир ёки бир нечта номзодларни ёхуд партияларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйиши мумкинлиги белгиланди.

Бешинчидан, муддатидан илгари овоз бериш ва сайлов куни овоз бериш учун ягона сайлов бюллетени жорий этилиб, шу муносабат билан “сайлов варақаси” тушунчаси чиқариб ташланди.

Олтинчидан, сайловларни ўтказиш ёки ташкил этиш масалалари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби аниқ белгилаб қўйилди.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари қонун билан кафолатланган ва суд томонидан



маъмурий-ҳуқуқий тартибда ҳимоя қилинади.

Агар фуқаро сайловчилар рўйхатида хато ёки ноаниқликларни аниқласа, тегишли сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Шунингдек, фуқаро бу ҳақида судга ҳам мурожаат қилиши мумкин.

Шу ўринда фуқароларнинг сайловга оид мурожаатларини ҳал этиш тартиби ҳақида тўхталадиган бўлсак, сайлов комиссиялари эндиликда келиб тушган мурожаатларни ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқади. Улар томонидан ушбу мурожаатлар юзасидан текширувлар ўтказилади ва уч кунлик муддатда ёзма жавоб берилади. Агар сайловга камида олти кун қолган ёки мурожаат овоз бериш куни келиб тушган бўлса, унда бу мурожаатлар дарҳол кўриб чиқилади.

Мурожаатлар сайлов комиссиясида юритиладиган қайдлов дафтарида рўйхатга олинади. Сайлов комиссияси раиси мурожаат келиб тушгач, комиссия аъзолари иштирокида ушбу мурожаат муҳокамасига бағишлаб мажлис ўтказилади. Мажлисга манфаатдор шахслар таклиф этилиши мумкин. Мурожаатни кўриб чиққан сайлов комиссияси аъзолари қабул қилинган қарор тўғрисида мурожаат юборган шахсни хабардор қилиши шарт.

Сайлов комиссияси ваколатига кирмайдиган мурожаатни уч кунлик муддатда тегишли органга юборилади ва бу ҳақида мурожаат юборган шахс хабардор қилинади.

Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш тартиби ҳам кодексда ўз ифодасини топган.

Жумладан, депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин беш кун ичида юқори турувчи сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилиши мумкин.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Фуқаролар сайлов қонунчилиги бузилиши юзасидан тўғридан-тўғри тегишли маъмурий судга мурожаат қилиши мумкин.

Бунда сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилади.

Мурожаат бўйича ўтказиладиган суд мажлисида аризачи ва тегишли сайлов комиссиясининг вакили, шунингдек, прокурор, агар шикоят ариза берган шахсга эмас, бошқа фуқарога дахлдор бўлса, ўша шахс иштирокида кўриб чиқилади. Юқорида қайд этилган шахсларнинг келмаслиги шикоятни судда ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Эътиборлиси, суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши биланок дарҳол тегишли сайлов комиссиясига ва аризачига топширилади ва дарҳол ижро этилиши шарт.

Хулоса ўрнида айтганда, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва дунёқараши юқорилиги, айниқса, улар ўзларининг сайлов билан боғлиқ ҳуқуқларини пухта билиши жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни юксалишини таъминлаш билан бирга сайловларнинг адолатли ва қонуний ўтишини таъминлайдиган муҳим омилдир.

Сайлов қонунчилигининг ажралмас қисми сайлов қоидалари бузилганлигини эълон қилиш тартибини белгилайдиган ҳуқуқий нормалардир. Сайлов низолари - бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига сайловларни тайинлаш, тайёрлаш, ўтказиш ва натижаларини белгилаш пайтида, шунингдек, сайловлар оралиғидаги даврда юзага келадиган сайлов қонунчилигини қўллаш тўғрисидаги турли даражадаги низоларни комиссиялар ёки судда ҳал қилишдир.

Сайлов низолари пайдо бўлишининг сабаблари жуда хилма-хил, аммо асосийси фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг бузилишидир. Қонунчиликда айрим сайлов ҳаракатлари ва процедураларининг тартибга солинмаганлиги кўпинча сайлов комиссиялари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқларини бузadиган қарорларни қабул қилишга мажбур қилади, кейинчалик юқори сайлов комиссияларига ёки судларга шикоят қилинишига сабаб бўлади.

Сайлов низоларнинг умумий сабаблари, бир томондан, фуқароларнинг етарли даражада сайлов жараёнларида фаол иштирокининг юқори эмаслиги, ҳуқуқий маданияти, уларнинг замонавий сайлов қонунчилигини қўллаш бўйича чуқур билим ва кўникмаларининг йўқлиги, бошқа томондан, қонунчиликдаги номукамаллик, бўшлиқларнинг мавжудлиги, ундаги зиддиятлар, низолар. Мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни очиқ, шаффоф ва мустақиллик принциплари асосида ўтказишда халқ



ҳокимияти ва сиёсий плюрализмнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва сайлов тизими босқичма-босқич модернизациялаш бўйича тегишли чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва дунёқараши юқорилиги, айниқса, улар ўзларининг сайлов билан боғлиқ ҳуқуқларини пухта билиши жамиятимизда ҳуқуқий маданият юксалишини таъминлаш билан бирга сайловларнинг адолатли ва қонуний ўтишини таъминлайдиган муҳим омилдир.

Бунда халқаро нормалар ва стандартлардан келиб чиқиб иш кўриш айниқса муҳим ҳисобланади. Халқаро экспертнинг таъкидлашича, сайлов жараёнларида низоларни кўриб чиқиш, уларни ҳал этишдаги халқаро стандартларни иккига бўлиш мумкин. Яъни умумий ҳамда ҳудудий стандартлар. Умумий стандартларга БМТнинг бир қатор ҳужжатлари киради. Сайловга оид мурожаатларни кўриб чиқиш, низоларни ҳал қилишда ҳаққонийлик, самардорлик, бетарафлик ва ўз вақтида ҳал қилиш принципларига амал қилиш зарур.

Сайлов кодексимизга мувофиқ, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари қонун билан қафолатланган ва суд томонидан маъмурий-ҳуқуқий тартибда ҳимоя қилинади. Агар фуқаро сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқликларни аниқласа, тегишли сайлов комиссиясига арз қилиши, шунингдек, фуқаро бу ҳақда судга ҳам мурожаат қилиши мумкин.

Сайлов комиссиялари эндиликда келиб тушган мурожаатларни ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқади. Улар томонидан ушбу мурожаатлар юзасидан текширувлар ўтказилади ва уч кунлик муддатда ёзма жавоб берилади. Агар сайловга камида олти кун қолган ёки мурожаат овоз бериш куни келиб тушган бўлса, унда бу мурожаатлар дарҳол кўриб чиқилади.

Мурожаатлар сайлов комиссиясида юритиладиган қайдлов дафтарида рўйхатга олинади. Сайлов комиссияси раиси мурожаат келиб тушгач, комиссия аъзолари иштирокида ушбу мурожаат муҳокамасига бағишлаб мажлис ўтказилади. Мажлисга манфаатдор шахслар тақлиф этилиши мумкин.

Мурожаатни кўриб чиққан сайлов комиссияси аъзолари қабул қилинган қарор тўғрисида мурожаат юборган шахсни хабардор қилиши шарт. Сайлов комиссияси ваколатига кирмайдиган мурожаат уч кунлик муддатда тегишли органга юборилади ва бу ҳақда мурожаат юборган шахс хабардор қилинади.

Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш тартиби ҳам кодексда ўз ифодасини топган. Жумладан, депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин беш кун ичида юқори турувчи сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилиши мумкин.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши, фуқаролар сайлов қонунчилиги бузилиши юзасидан тўғридан-тўғри тегишли маъмурий судга мурожаат қилиши мумкин.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент - 2020.
2. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. Тошкент - 2021.
3. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси, www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, www.lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. ЎРҚ-670-сон 08.02.2021, www.lex.uz.
6. Боровикова И.А. Административный порядок признания выборов недействительными: субъекты и особенности процедуры, Академический юридический журнал, 2010. № 2. 50 с.
7. Охотников Р.А. Избирательные споры (понятие, структура, порядок рассмотрения). Автореферат диссертации. Омск, 2006. 13 с.

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 29-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

(1-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.06.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000
